# МАМЛАКАТ ТУРМУШИДАН ТЎРТ КУН

Чет эл матбуотининг шарҳлари фақат нозик қочирмалардангина иборат бўлмади. Францияда чиқадиган «Фигаро» газетасида босилган П. Важсман мақоласидан «совуқ уруш» шамоли уфургандек бўлди, бу материал Ғарбдаги бошқа журналистларнинг конференция ҳақида эълон қилаётган мақолаларидан тубдан фарқ қилар эди. Антисоветизмнинг сийқаси чиққан қуроли яна ишга солинди. Важсманнинг фикрича, совет жамияти — адолатсиз жамиятдир, СССР эса ҳамон ҳарбийлашган давлат бўлиб қолмоқда. «СССРда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ғарбнинг умидларига мос келди, деб ўйлаш гўллик бўлур эди, деб ёзади у. Журналистнинг фикрича, бунинг боиси бор эмиш. Биринчидан, совет раҳбариятининг бошлиғи совет системасининг фақат тузукроқ ишлашига интилмоқда, иккинчидан эса, мабодо Горбачев ўзининг салафларига қараганда донороқ ислоҳотчи бўлганида ҳам, бу унинг Ғарбга нисбатан мойилроқ сиёсатни ўтказади, деган маънони англатмайди. Ғарбни Совет Иттифоқида рок группаларининг концертлари, модалар намойиши ва гўзаллик конкурслари бўлаётгани эмас, балки худди ана шу якка-ю ягона муаммо қизиқтириши керак».

«Фигаро» газетасининг шарҳловчиси совет газеталарини ўқимаган ё рок ижрочиларининг қўшиқларидан қулоғи батанг битиб қолганми ёки совет гўзалларининг калта юбкаларини кўриб, кўз ўнги қоронғилашиб кетганми, буни билолмадик, бироқ шу нарса равшанки, Важсман янги сиёсий фикрлашнинг моҳиятини уқиб олмаган ёки уқишни ҳам истамаган. Иккинчиси тўғрироқ бўлса керак.

«Фигаро» ҳали бу ерда, ҳали у ерда деган машҳур қўшиқ бор... Ниҳоятда чапдаст буржуа газетасига бу гал «уддабуронлик» панд бериб қўйди. Бу газетанинг қаламкашлари Манфред Вернернинг сўзларига қулоқ солишса бўларди, шу кунларда у лорд Каррингтон ўрнига НАТО Бош секретари лавозимига тайинланди. Вернер янги лавозимга минганидан кейин Брюсселда бўлган ўзининг биринчи матбуот конференциясида, «Гардиан» газетасининг ёзишича, «совуқ уруш» даврининг жангариси ва милитарист қузғун деган лақабларини ўзгартиришга ҳаракат қилган. У Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатларга етарли даражада ижобий баҳо бериб, «Совет Иттифоқининг янги сиёсатида умид туғдирадиган кўп фикрлар бор», деб тан олди. Айни вақтда у Горбачев ташаббуслари олдида НАТО «Сиёсий ташаббусни бой бермоқда ва жамоатчилик фикри мададидан маҳрум бўлиб қолмоқда» деб рўйрост айтди, НАТО стратегларининг кўпчилиги бу фикрга қўшилмоқда.

Ҳа, сиёсий нуқтаи назар ана шундай сезгир бўлиши мумкин, бунинг учун бор «бисоти»ни кўрсатиб, саҳнада хиром этаётган гўзаллик конкурси иштирокчилари бўлган қизлар хаёлни ўғирлаб кетмаслиги керак...

Югославия телевидениеси ижтимоий-сиёсий программалар бош муҳаррири Анте Лентич билан биз шу хусусда гаплашдик. Анте Москвага келишидан илгари Америкага борган экан, у ерда давлат ва жамоат арбоблари билан учрашибди, Пентагонда ҳарбийлар билан суҳбатлашибди. Чет элларда Совет Иттифоқида бўлаётган қайта қуришга муносабат ҳар хил, деди югославиялик ҳамкасбимиз. Партия ва совет раҳбариятининг янги йўлини мамлакатимизда аҳолининг кўпчилиги тушуниб олиб, қўллаб-қувватламоқда. Телетомошабинларнинг ниҳоятда қизиқаётганликлари, редакцияга келаётган хатлар шундан далолат бериб турибди. Жамиятни демократиялаш, ошкоралик, бюрократизмга қарши кураш тўғрисида биз телевидение кўрсатувларида мунтазам сўзлаб бермоқдамиз.

Американиклар қайта қуришга бефарқ қарамоқдалар, дея олмаймиз, деб таъкидлади Лентич, ҳатто Вашингтондаги кафелардан бирига «Қайта қуриш» деган ном берилди. Бир вақтлар президент Рейган СССРни «Ёвузлик салтанати» деб атаган эди. Ҳозир мамлакатингизда содир бўлаётган воқеаларга юзаки муносабат юқоридаги фактда ҳам акс этиб турибди. Маълумки, Рейган Қизил майдонга сайрга чиққанида кўпчилик ўртасида бояги иборадан воз кечди. Баъзи американиклар қайта қуриш натижаларидан чўчишаётганлиги анча жиддий гапдир. Ҳарбий арбоблар, жумладан, Совет Иттифоқидаги иқтисодий ислоҳотлар мукаммалроқ технологияларни, яна ҳам қудратли қуролни яратишга хизмат қилади, деб ҳисобламоқдалар. Ҳарбийларни совет ташқи сиёсатининг тинч платформасига ишонтириш — аслида қилиб бўлмайдиган ишдир, чунки улар онгига Америка турмуш тарзини вайрон-талқон қилиб юбориш учун океанни кечиб ўтган қизил қалпоқ кийган шоввоз, яъни душман образи жуда сингиб кетган.

## КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси вақтида ён дафтарга битилган қайдлар

Анте Лентич билан биз матбуот марказида неча соатлаб бирга бўлдик, кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. У Югославия телевидениесида кўрсатиш учун Ўзбекистон делегацияси аъзолари билан суҳбатлашган чет эллик журналистлар орасида биринчилардан бўлган эди.

Конференциянинг иккинчи куни матбуот марказида Ўзбекистон делегацияси билан учрашув бўлди. Афсуски, газеталарда ана шу учрашув ҳақида эълон қилинган ҳисобот делегатларга берилган саволларнинг ўткирлигини сира-сира акс эттира олмади. матбуот конференциясида ҳар бир саволга аниқ-равшан ва вазминлик билан жавоб берилди.

Кўпчилик мухбирлар қўлида «Огонёк» жуналининг бир сони бор эди, худди ана шу сонда «Қарама-қаршилик» очерки босилган.

— Делегациямиз ихтиёрида делегатларимиздан бирон-бир киши обрўсини тўкиб қўйганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ, — дейилди учрашувда. — Сўнгги тўрт йил мобайнида республика партия ташкилоти ўз сафларини тозалаш, соғломлаштириш, партия турмушининг ленинча нормаларини тиклаш учун кўп иш қилди. Лавозимидан бўшатилган, оддий ишга ўтказилган, жиноий жавобгарликка тортилган, илгари номенклатурага кирган ходимлар сони ҳақидаги фактлар айтилди, булар республика аҳлига маълум, «Огонёк» журнали эса уларни яна тилга олибди.

Республикада соғломлаштириш жараёни ҳақида батафсил гапирилган бўлса ҳам Англияда чиқадиган «Дейли телеграф» газетасининг мухбири «Огонёк» журналида эълон қилинган мақолани рўкач қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишоновга бир варақайига бир нечта савол берди. Шулардан бири «Гўё ҳозир тергов қилинаётган жаноб Усмонхўжаев» тақдирига тааллуқли эди. Бу саволга қуйидагича жавоб берилди: менинг ўтмишдошим ҳозир шахсий пенсионер, Москвада яшамоқда, бирон-бир жавобгарликка тортилгани йўқ, судлангани ҳам йўқ, тергов ҳам қилинмаяпти. Журналистнинг Ўзбекистонда «еру кўкни порахўрлар босиб кетган», деган даъвосига сира қўшилиб бўлмайди, дейишди матбуот конференциясида.

Ўз хатти-ҳаракатлари билан партия ва халққа сезиларли зарар етказган бир гуруҳ одамларни партия ташкилотига, Ўзбекистоннинг ҳалол меҳнаткашларига қиёслаш мумкин эмас, деб таъкидланди учрашувда.

Учрашув қатнашчилари республика халқ хўжалик комплекси фаолиятининг дастлабки умидбахш натижалари ҳақида гапиришар экан, ушбу комплекс тараққиётининг муаммолари тўғрисида, жумладан, бўш меҳнат ресурслари борлиги ҳақида рўй-рост, амалий руҳда сўзлаб бердилар. Бу борада кўп иш қилинди. Қишлоқда турли корхоналарнинг филиаллари бунёд этилмоқда, кооперация мустаҳкамланмоқда, якка тартибдаги меҳнат фаолияти равнақ топмоқда. Келгуси йилдан бошлаб 1995 йилнинг охиригача Ўзбекистонда қайта ишлаш ва енгил саноатнинг 152 та корхонаси бунёд этилади, бу корхоналар, асосан, аҳоли зич яшайдиган қишлоқ жойларда қурилади. Гарчи барча саволларга дангал ва аниқ жавоблар берилган бўлса ҳам, чет эл матбуоти, ҳар қалай, фирибгарлик қилишдан ҳам тоймади. Учрашувда қатнашган делегатлар конференцияга тақдим этилаётган сиёсий система ислоҳотига ўз муносабатларини билдириб, ушбу ислоҳотнинг асосий ғояларини сўзсиз қўллаб-қувватлаб маъқуллашларини айтдилар. Учрашувда иштирок этган «Таймс» газетасининг мухбири Мэри Дежевски ўз репортажида делегатларимиз айтган сўзларга суяниб, «кўпчилик одамлар сиёсий система ислоҳоти тўғрисидаги ҳужжатларни қандай талқин этишга ҳайрон бўлиб турибдилар», деб ёзди. Бу ўринда «Внешпосилторг»нинг эски чекларини янгиларига алмаштириш учун навбат кутиб турган москваликларнинг фикри ҳам келтирилди. Қайта қуришнинг ҳаётий масалаларини муҳокама қилаётган кишиларни ошланган теридан тикилган нимпўстин ёки «Честерфильд» блоки илинжида юрган кишилар билан бир қаторга қўйиш жоиз бўлмаса керак.

Мен чет эл матбуоти конференция ишини қандай ёритгани хусусида сўзлаб беришга ҳаракат қилдим ва шу муносабат билан журналистлик ишимиз ҳақида мулоҳазаларимни баҳам кўрмоқчиман. Бунинг устига Кремлдаги минбардан туриб гапирган деярли ҳар бир нотиқ матбуот ишига, унинг муаммоларига, матбуотнинг партия ва жамият олдидаги масъулиятига у ёки бу даражада тўхталди.

Мажлислар орасидаги танаффусда мен Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова билан учрашдим.

У қуриб бораётган Орол денгизи тақдири ҳақида ташвишланиб гапирди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 2 миллион гектар ерни қум ва шўр босди, Орол қуримоқда, балиқнинг ноёб турлари ҳалок бўлди. Ҳозир Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилаш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Сувдан ниҳоятда тежаб-тергаб фойдаланиш, бу регионда янги ерларни ўзлаштиришни тўхтатиш — денгизни қутқариб қолишнинг бирдан-бир вариантидир. Фақат худди шу йўсиндагина экологик ҳалокатнинг олдини олиш мумкин.

— Аммо ана шу ниҳоятда мураккаб муаммо хусусида эҳтиросларни авж олдириш йўли ножоиздир, — деди Турсун Алламбергановна. — Мен бу ҳақда республика Олий Советининг сессиясида гапирган эдим... Шундан кейин республикамизнинг энг кекса ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаев «Московские новости» газетасида қаҳр-ғазаб билан менга қарши мақола ёзиб чиқибди. Ҳурматли газета менинг фамилиямни чалкаштириб юборгани аниқ, аммо адабиётимиз оқсоқолига исми-фамилиям маълум эди-ку. Аммо гап бунда эмас. Адиб мунозара маданиятига даъват этиб, мени маломат тоши отишда айблар экан, ёзувчининг ўзи менга «хаспўшловчи» деган тамға босди. Экология соҳасидаги билими чала-ярим бўлса ҳам, аммо ўзининг билимдонроқ муҳолифлари шанига аччиқ-қуруқ гапларни айтишдан тоймайдиган ҳамкасби Темур Пўлатовни ҳимоя қилиб, Оймирзаев мунозарани аслида беҳуда гап талашишга айлантириб юборди. Пўлатовнинг иборасини қўллайдиган бўлсак, айрим адибларнинг ўзи ҳам «арава олдида югуриб бораётганларга» ўхшаб қолишмаяптимикан? Агар Орол муаммосини ҳал этишни рамзий тарзда аравага қиёслайдиган бўлсак, иш карахт нуқтадан силжиди. Эндиликда бизга ишдан асар ҳам бўлмаган баландпарвоз гаплар ўрнига конкрет ёрдам керак.

Мунозара маданиятига келганда шуни айтишим керакки, «Московские новости» газетаси ана шу муаммолар хусусида автоном республика президенти сифатида менинг нуқтаи-назаримни ҳам ўқувчиларига ҳавола этса дуруст бўлар эди.

Конференция делегати фикрига қўшилиш зарур бўлади. Матбуотимизда онда-сонда бўлса ҳам, авторларнинг шахсий даъволари ақл-идрокни босиб кетаётган мақолалар чиқиб турибди. Бу, аввало, жуда мураккаб экологик ёки демографик муаммоларга тааллуқлидир. Ана ўшанда демократия, демография ва сафсата тушунчалари бир ипга тизилгандек бўлиб қолади. Асли бу сўзларнинг ўзаги бир, яъни «халқ» бўлса ҳам, аммо демократия ва сафсата (демагогия) ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Агар ўзимизга-ўзимиз танқидий баҳо берадиган бўлсак, газета саҳифаларида хатолар ва ноаниқликлар бўлиб турибди, Ўзбекистон ахборот агентлигининг мухбирлари ҳам бундан холи эмас. «Матбуот ҳам хато қилмоқда, албатта, у ҳам ўқиб-ўрганмоқда», — деди конференция делегати, Грузиядаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ш. Амонашвили.

Аммо хатодан хатонинг фарқи бор. Бу ўринда «Советская Россия» газетасида Н. Андрееванинг мақоласи босилганини эслаб ўтиш кифоя, ўшанда оммавий ахборот органлари, ана шу «сталинизм манифести»ни кўра-била туриб, уч ҳафта мобайнида гўё кўрмасликка олдилар.

Аммо ҳар қалай совет матбуоти 1985 йилнинг апрель ойидан кейин ўтган уч йил мобайнида жуда ўзгариб кетганлигини, рўй-рост танқид учун ёпиқ зоналар аслида қолмаганлигини рад этиб бўлмайди.

Чет эллик мухбирлардан бири матбуот марказида худди ана шу хусусда устомонлик билан гапирган эди. У рус тилида бузиб гапириб, ҳамкасбига қуйидагиларни уқтирарди: «СССРда оппозициядаги партия йўқ, деб ўйлайсизми? Матбуотингиз-чи? У партия функционерлари ва бюрократларнинг таъзирини бераяпти-ку?!

Чет эллик ҳамкасб баҳсда қизишиб кетиб, совет журналистларини «оппозиционерлар» деб атади. Бундай эмас, албатта. Таниқли ёзувчи Юрий Бондарев публицистларга берган «мукофот», яъни отган маломат тоши ҳам ҳақиқатдан ниҳоятда йироқдир. Мен уруш давридаги воқеалар замонавий ҳаёт билан чамбарчас боғланиб кетган романларнинг автори сифатида уни жуда ҳурмат қилар эдим. Адиб ўз нутқида «фикр Геростратлари», «Экстремизм ва тез жавоб бериш шоввозлари» сингари ибораларни ишлатишни ўзига эп кўрди... Шу таҳлитда давом эттирилса «Халқ душманлари» ҳам топилиб қолар. Бондаревни шу қадар ҳаяжон билан кутиб олган ва кузатган зал аҳли унинг мунозарадаги муҳолифи бўлган Г. Я. Бакланов нутқига у қадар эътибор бермаганлигига танг қолади киши. «Эҳтирослар алангаси»ни ўчирган Бош секретарнинг аралашувидан кейингина фронт қатнашчиси бўлган ёзувчи ўз нутқини тугатишга муваффақ бўлди.

Конференция минбаридан матбуот ҳақида кўп гапирилганлигининг боиси, назаримда шундаки, бу матбуот сўзининг куч-қудратидан, унинг дадиллиги ва самарасидан далолат бериб турибди. Ҳа, биз журналистлар тез жавоб бериш усталари бўлишимиз керак, лекин Бондарев даъво қилганидек, биз экстремизм шоввозлари эмасмиз; хоҳ экономика соҳаси бўлсин, хоҳ миллатлар ўртасидаги муносабатлар бўлсин, мамлакатнинг воқеа жўш уриб турган жойларига борган журналистлар миллионлаб одамларга ошкоралик илму ҳикматини ўрганиб олишга ёрдамлашадилар.

Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари бизни дарҳол енг шимариб ишга тушишга даъват этмоқда. Қайта қуриш меъморлари орасида бўлиш бизнинг бурчимиздир. Тажрибали публицистдан тортиб, эндигина журналистика факультетини битириб, район газетасида ишлаётган ёш қаламкашгача барча ҳамкасбларим бу фикрга қўшиладилар, деб ўйлайман.

...1 июль куни қош қорайганидан кейин Кремлнинг Съездлар саройидан чиқдик. ТАСС ходимларидан иборат группа тўрт кун мобайнида ана шу чоғроқ хоналарда ғайрат-шижоат билан ишлади. Навбатдаги нотиқ минбардан тушиши биланоқ, телетайплар бутун мамлакатга унинг сўзини тарқатарди.

Конференциянинг сўнгги иш кунида мен эски танишларимни учратиб қолдим. КПСС Жданов район комитетининг биринчи секретари Римма Васильевна Жукова ўтган йили СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида республика кунлари ўтказилганида Ўзбекистон делегациясига ҳамроҳ бўлган эди. Сўнгги вақтда москваликлар ва республикамиз аҳолиси ўртасидаги дўстлик янги мазмун касб этди. Қайта қуриш шароитида партия ташкилотларининг иш тажрибасини баҳам кўриш активлашди. КПСС Ульяновск область комитетининг иккинчи секретари Олег Владимирович Казаров ёрдам учун қизғин миннатдорчилик билдирди: В. И. Ленин юртида интернационал дўстлик кунлари ўтказилаётганида республикамиз вакиллари тикув бирлашмасида ишлаш учун қизларни юборишлари мумкинлигини айтишди ва бу сўзларининг устидан чиқишди.

Афғонистондаги хизмати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрий унвонга сазовор бўлган Роман Аушев конференция тўғрисидаги таассуротини ҳарбийларга хос аниқ-пухталик билан ифодалади: умумий гапларга ҳеч кимнинг тоқати йўқ, ҳамма нарсани очиқ-ойдин гапиришга имкон берадиган амалий вазият. Ишчанлик ва яна ишчанлик! Қайта қуришдан бошқа йўл йўқ!

**С. ФЕНЮТИН,**
**ЎзТАГ махсус мухбири.**
**Москва — Тошкент.**

(Давоми. Боши газетанинг 24 июль сонида).



Янгиердаги В. И. Ленин номли бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг иккинчи темир-бетон буюмлари заводининг кранчиси Л. Ханякина КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида иштирок этди. У айни кунларда ўз ҳамкасбларини мамлакат коммунистлари анжуманида ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга ҳисса қўшишга даъват этмоқда.

Б. ЮСУПОВ фотоси, (ЎзТАГ).

### ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

## «МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг еттинчи сони босмадан чиқди. Бу сон «Журналимиз 70 ёшда» сарлавҳали редакцион мақола билан очилади. Унда журнал тарихи ва унинг келгуси режалари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Қайта қуриш: ҳаракат қилиш даври» умумий сарлавҳаси остида журнал махсус мухбири Н. Ганюхинанинг Наманган область Норин район «Авангард» газетаси ходимлари билан суҳбати босилган. Бу суҳбатда газетанинг ютуқ ва камчиликлари, олдида турган вазифалар ва дуч келинаётган муаммолар ҳақида фикр юритилади.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти «Вперёд» кўп тиражли газетасининг редактори З. Мадалиеванинг «Муаммолар ҳақида ошкора гапирайлик» ва Қорақалпоғистон АССР Чимбой район «Коммунизм нури» газетаси масъул секретари О. Тохимбетовнинг «Муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?» сарлавҳали мақолаларида кўп тиражли газета, район газеталарига журналист кадрлар тайёрлаш муаммолари хусусидаги баҳс давом эттирилган.

«Тошлоқ тонги» газетаси редактори И. Фозиловнинг «Дотация олмасдан» сарлавҳали мақоласида хўжалик ҳисоби шароитида ишлаётган район газетаси фаолияти ҳақида ҳикоя қилинса, «Репортёрнинг изланишлари» сарлавҳали лавҳа республикамизнинг кекса фотомухбирларидан бири В. Косовский ижодига бағишлангандир.

ТошДУ журналистика факультетининг доценти Ф. Мўминовнинг «Ҳамма жанрлар ҳам яхши» сарлавҳали мақоласида газетада ҳисобот жанрининг ўрни, ўзига хос хусусиятлари, вазифалари ҳақида батафсил фикр юритилган.

Журналнинг бу сонида 1988 йилги республика конкурслари: «Йилнинг энг яхши журналистика иши учун», «Газета, журналлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда «Иқтисодий ислоҳот — матбуот эътиборида» шиори остида ўтказиладиган социалистик мусобақани энг яхши ёритганлик учун» ва «Оммавий ишларни энг яхши йўлга қўйганлик учун М. И. Ульянова номидаги республика конкурси» низомлари ҳам эълон қилинган.

Булардан ташқари, мазкур сонда «Район газетасининг иш кунлари», «Беш йилликнинг янги қурилишларида», «Интернационал алоқалар», «Союзимиз ижодий», «Редакция оталиққа олади» «Деворий газета», «Алоқачиларимиз», «Фоторепортаж», «Изланиш клуби», «Информация» «Реклама» ва бошқа рубрикалар остида ҳам бир қанча материаллар босилган.

*• Касаба союз ҳаёти*

## КЕНГАШИБ ИШЛАШ

Химия саноати қадоқлаш ва ўраш ускуналари тажриба-конструкторлик технология бюросининг меҳнат коллективи кенгаши ўз сафига 102 кишини бирлаштирган. Кенгаш корхона ишлаб чиқаришида перспектив йўналиш ва планларни ишлаб чиқиш, фан-техника ва илғор технологияни жорий этиш, коллективни социал ривожлантириш, кадрлар билан ишлаш, қабул қилинган қарорларнинг боришини изчил назорат қилиб бориш билан яқиндан шуғулланмоқда. Кенгашнинг ташкилотчилик фаолияти билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш учун ўн бир кишидан иборат президиум ҳам сайланди. Кенгаш ўз низомига эга. Кенгаш мажлисларида корхонанинг тўла хўжалик ҳисобига ўтиши, маҳсулот сифатини яхшилаш, коллектив шартнома, планларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилиняпти.

Меҳнат коллективи кенгаши ўрганган масалалар коллектив ўртасида ҳам муҳокама қилинади. «Сифат-90» программаси шу тарзда олдин конструкторлик бюросининг барча хизмат коллективларида кўриб чиқилди. Кенгаш бунга олдиндан тайёргарлик кўрди. Муҳокама қилинадиган кунгача маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан кишиларнинг таклиф ва мулоҳазалари чуқур ўрганилди. Кенгаш аъзолари йиғилишда цехлардаги иш сифатини яхшилаш юзасидан таклифлар билдирдилар. «Сифат-90» программасида корхонани техник қайта қуриш, мавжуд ускуналарни янгилари билан алмаштириш вазифалари қамраб олинди. Бу соҳада амалга оширилаётган дастлабки ишлар кўплаб иқтисодий самара берди.

Меҳнат коллективи кенгаши шунингдек, кадрлар билан ишлашда ҳам касаба союзлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Ёш кадрларни раҳбарлик лавозимларга тавсия этиш, уларни тарбиялаш кенгаш фаолиятидан муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, яқинда конструкторлик бюроси бўлим раҳбарлигига номзод танлашда кенгаш фаол қатнашди. Кўпчилик овоз билан Ф. Аюпов бўлим раҳбари қилиб сайланди.

## МЕҲНАТ ИНТИЗОМИГА КОЛЛЕКТИВ ЖАВОБГАР

Фарғона газ аппаратлари заводи вентиляция-қуюв участкасидаги В. Русин бошлиқ йиғувчилар бригадасида 17 киши меҳнат қилади. Коллективда кўп йил ишлаган тажрибали ишчилар билан бирга ёшлар ҳам бор. Аммо топширилган вазифага ҳамма бир хилда масъулият билан қарайди.

Корхонада 27 та бригададан 11 таси «Меҳнат интизомига бутун коллектив жавобгар», деган шиор остида ишламоқда. Завод касаба союз комитети бу ташаббусни кенг ёймоқда. Ишлаб чиқилган низомда коллектив ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатнинг барча қирралари қамраб олинди. Агар бригада аъзолари йил давомида бирор марта ҳам меҳнат интизомини бузмаса, меҳнат унумдорлигини оширишга эришса, иш якунига кўра рағбатлантириш учун бериладиган пул мукофоти ҳажми 10 процент, 3—5 йил ва ундан ҳам кўпроқ вақт давомида меҳнат интизоми бузилмаса, мукофот ҳажми 15—20 процент кўпаяди. Шуниси диққатга сазоворки, бригадаларнинг бу ташаббусга қўшилиши ихтиёрийдир. Чунки низомга биноан бригаданинг бирор аъзоси ишга кечикиб келса, тартибни бузса, ичиб ҳушёрхонага тушса бутун коллективнинг мукофот пули 10 процент камаяди. Бригада бошлиғи В. Русин ўзи бошчилик қилаётган коллективга ана шу услубни жорий этишдан олдин касаба союз комитети раиси Н. Яричихина билан маслаҳатлашди, бригаданинг барча аъзолари билан суҳбатлашиб, янгича шароитда ишлашнинг ижобий томонларини тушунтирди. Бригада йиғилишида муҳокама пайтида ҳар бир ишчининг фикри, таклиф ва мулоҳазалари чуқур ўрганилди. Ана шу тарзда «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган шиор вужудга келди. Ишчилар ўз бригада бошлиқларини қувватлаб «Меҳнат интизомига бутун коллектив жавобгар» деган ном учун социалистик мусобақа бошлашди.

Орадан бир йил ўтди. Вақт бригаданинг тўғри йўлни танлаб олганлигини тасдиқлади. Унинг ҳар бир аъзоси аниқ, унумли ишлайдиган бўлди. Қабул қилинган мажбуриятни бажариш учун ҳамма бирдай курашди. Ҳар бир минут иш вақтидан тежаб фойдаланиладиган бўлди. Натижада меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди.

Фарғона область касаба союзлари Советининг секретариати заводда бошланган янги ташаббусни кўриб чиқиб, бу соҳада йўл қўйилган баъзи камчиликларни кўрсатиб берди. Жумладан, янгича шароитда меҳнат қилишга хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, жамоатчилик ташкилотларининг ходимлари жалб қилинмаганлиги маънавий рағбатлантириш чора-тадбирлари белгиланмаганлиги айтилди. Завод касаба союз комитети бу таклифларни қабул қилди ва юксак интизомли коллектив номини бераётганда мусобақа илғорларига Фахрий ёрлиқлар ҳам топширмоқда. Шунингдек мусобақа якунлари ой сайин чиқарилиб, махсус стендда ёритиб борилмоқда.

**Г. САТТОРОВА.**

## • Мусобақа: суръат, сифат ва тежам

### ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

● Бухоро ёғ-экстракция заводи коллективи XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишлаб турган кунларда планга қўшимча 50 тонна маҳсулот тайёрлашга эришди.

Партия конференциясининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан кўпроқ таъминлаш ҳақидаги кўрсатмаси завод ишчиларини меҳнат суръатини оширишга рағбатлантиряпти. Йил бошидан буён корхонада планга қўшимча жами 200 тоннага яқин ўсимлик ёғи тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги 3,4 процент ўсди. Аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш белгиланганидан 1000 тонна кўп бўлди.

Смена мастери С. Эргашев бригадаси мусобақада олдинда боряпти. Ҳ. Исматов, Г. Магдиева, Б. Болтаев, М. Турсунов сингари ишчилар суръатда илдамлик қилишмоқда.

**Н. НАИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### РЕКОНСТРУКЦИЯ ШАРОФАТИ

● Тошкент областидаги Қорасув пахта тозалаш заводини реконструкция қилиш жадал бормоқда. 1986 йили ўрнатилган универсал пахта тозалаш конвейери соз ишлаб, яхши самара беряпти. Корхонада ишга ижодий муносабатда бўлаётганлар кўп. Ишчи Ф. Мирсоатов, И. Кандалин, технолог Т. Асилов берган рационализаторлик таклифлари кўзда тутилганидан бир неча минг сўм кўп самара бераётир.

Корхонада чанг тозалаш қурилмалари ҳам ўрнатилмоқда. Бу эса маҳсулот сифатини оширади, меҳнат унумдорлигини кўтаради, иш шароитини яхшилайди. Ўз маҳсулотини Чехословакия, Польша, Вьетнам, Югославия, Руминияга ҳам экспорт қилаётган завод реконструкция шарофати билан қудрати ошиб бормоқда.

**М. УСМОНОВ.**

### ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

● Хоразм область Шовот районидаги Қиёт қишлоғида область «Совхозводстрой» тресте Шовот механизациялашган кўчма колоннаси замонавий мактаб биносини муддатидан илгари қуриб топширди. Йўлдош Нуржонов ва Отаназар Юсупов бошлиқ комплекс бригадалар азаматлари иш вақтидан самарали фойдаланиш туфайли бир неча ойни иқтисод қилдилар. Бунда қурилишнинг пудрат усули катта роль ўйнади.

Мактабда ўқиш кабинет усулида олиб боришга мўлжалланган 30 га яқин синфхона, ўқув кабинетлари, бассейн, спорт зали ва бошқа қулайликларга эга янги замонавий мактаб ҳадемай, 620 ўқувчини ўз бағрига олади.

**Б. ҚАҲҲОРОВ.**

*• «Совет Ўзбекистони» материаллари изидан*

## МАВҲУМ ЖАВОБ

**• Газетамизнинг 30 апрель (1988 йил) сонида «Хотамтойлик кимнинг ҳисобидан» сарлавҳали рейд материали эълон қилинганди. Танқидий мақолага Андижон область Совети ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи ўрток В. Г. Бабенконинг имзоси билан расмий жавоб келди. Унда шундай жумлалар бор:**

«Танқидий мақола кўриб чиқилди ва тўғри деб тан олинди.

ГАЗ-24 маркали «11-75-АНО», М-412 маркали «04-32-АНА» ва ГАЗ-53 маркали «27-03-АНВ» давлат номеридаги автомобиллар ҳайдовчиларининг иши ҳақидаги материаллар кўриб чиқиш учун меҳнат коллективларига юборилди.

Мақолада келтирилган ва бошқа фактлар бўйича Андижон область ижроия комитети қошидаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиш учун материал тайёрланди. СМУ-2, «Энергосбит», Хўжаобод районидаги «Октябрь 70 йиллиги» совхози раҳбарларига комиссия мажлисида тегишли чоралар кўрилади.

Шу йилнинг беш ойи мобайнида хизмат автомашиналаридан бошқа мақсадда фойдаланган 509, меҳнатсиз даромад орттиришга уринган 173 нафар ҳайдовчи жавобгарликка тортилди...»

Тўғриси, бу расмий жавоб бизни қониқтирмади. Жавоб муддати бир ой кечиктириб юборилгани устига мақола ҳали муҳокама қилинмаган. Нега энди шунча муддат ичида айбдорларга жазо чоралари кўрилмади? Аксинча у «коллектив муҳокамасига юборилди», «комиссия мажлисида кўриб чиқилади» деган тинчлантирувчи жавоб билан кифояланилган холос.

«11-75 АНО» номерли автомобиль ҳайдовчисининг қинғир иши — сохта ҳужжатлар тайёрлаб, Андижон области территориясида гўёки республика пойтахтига командировка қилингандек бемалол юриши замирида жиноий ҳаракат йўқлигига ким кафиллик беради? Нега энди жиддий текширилиши лозим бўлган материал меҳнат коллективи муҳокамасига юборилади? Бизнингча, бу фактларни ижроия комитет атрофлича муҳокама қилса фойдали бўларди.

Яна бир далил: Шаҳрихон колхоз бозори. Бозор территориясига УАЗ-469 маркали «70-37 АНГ» номерли хизмат автомашинаси келиб тўхтади. Ундан бир неча аёл тушди-да бозорга кириб кетди. Ҳайдовчи Ҳ. Худойбердиевнинг сўзларига қараганда машина Бўз район ҳайвонот касалликларига қарши кураш станциясига (СББЖ) қарашли. Ҳайдовчи станция бош врачи Ш. Эргашевнинг оғзаки буйруғи билан касал кўргани кетаётиб бозорга тушганлигини айтди. Йўл варақаларида эса ҳеч қандай ёзма кўрсатма қайд этилмаган. Бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Ижроия комитет йўллаган жавоб эса фактларни хаспўшлаб, редакцияни тинчлантиришга бўлган уринишдир.

Хўш, бу мавҳум жавобни ким аниқ шарҳлаб бераркин?! Ҳойнаҳой бу масала Андижон область партия комитетини қизиқтирса керак!

**Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

